

ANALYSIS OF THE OBJECTIVE AND SUBJECTIVE ELEMENTS OF THE CRIME OF VIOLATING ADMINISTRATIVE SUPERVISION RULES

Маматкаримов Бекзод Абдурашидович

Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси тадқиқотчиси

E-mail: [mamatkarimovbekzod2020@.com]

Abstract

This article provides a comprehensive criminal-legal analysis of the crime under Article 226 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan — violation of administrative supervision rules. The object, objective side, subject and subjective side of the crime are examined based on the scientific views of Uzbek and foreign legal scholars. The role of the administrative prejudice institution in the composition of this crime, the content of the concepts of “valid reasons” and “unauthorized departure”, as well as practical issues of proving the purpose of “evasion” are covered. The research results contribute to improving law enforcement practice.

Keywords: Administrative supervision; corpus delicti; objective side; subjective side; administrative prejudice; special subject; direct intent; evasion; Article 226 of the Criminal Code; post-penitentiary supervision.

МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ ЖИНОЯТИНИНГ ОБЪЕКТИВ ВА СУБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИ ТАҲЛИЛИ**Аннотация**

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 226-моддасида назарда тутилган маъмурий назорат қоидаларини бузиш жиноятининг жиноий-ҳуқуқий таркиби батафсил таҳлил қилинган. Жиноятнинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томони ўзбек ва хорижий ҳуқуқшунос олимларнинг илмий қарашлари асосида кўриб чиқилган. Маъмурий преюдиция институтининг мазкур жиноят таркибидаги ўрни, “узрли сабаблар” ва “ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш” тушунчаларининг мазмуни, шунингдек “бўйин товлаш” мақсадини исботлашдаги амалий муаммолар ёритилган. Тадқиқот натижалари ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Калит сўзлар: маъмурий назорат; жиноят таркиби; объектив томон; субъектив томон; маъмурий преюдиция; махсус субъект; тўғри қасд; бўйин товлаш; ЖК 226-модда; постпенитенциар назорат.

Кириш

Маъмурий назорат институти рецидив жиноятчиликка қарши курашнинг муҳим воситаси сифатида Ўзбекистон Республикасининг жиноят-ҳуқуқий тизимида алоҳида ўрин тутди. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар томонидан маъмурий назорат қоидаларини бузиш ҳолатлари амалиётда тез-тез учраётгани бу муаммонинг долзарблигини яна бир бор тасдиқлайди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 226-моддаси (кейинги ўринларда — ЖК 226-модда) айнан шундай ҳолатлар учун жиноий жавобгарликни назарда тутди.

Мазкур нормани тўғри ва бирхиллик асосида қўллаш учун жиноят таркибини аниқ ва тўлиқ тушуниш зарур. Бироқ ҳуқуқни қўллаш амалиёти кўрсатишича, объектив белгиларни аниқлашда — айниқса “узрли сабаблар”, “ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш” ва “бўйин товлаш” тушунчаларини шарҳлашда — тергов органлари ва судлар орасида ягона ёндашув шаклланмаган. Бу эса нормани самарали қўллашни қийинлаштиради.

Тадқиқотнинг **мақсади** — ЖКнинг 226-моддасида назарда тутилган жиноятнинг объектив ва субъектив белгиларини илмий-назарий таҳлил асосида ёритиш, амалиётдаги квалификация муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этишга доир таклифлар ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқотда *қиёсий-ҳуқуқий, тизимли таҳлил ва мантиқий* методлардан фойдаланилган.

Асосий қисм.

1. Жиноят таркиби тушунчаси. Жиноят таркиби тушунчаси гарчи қонунда бевосита белгиланмаган бўлсада, жиноят ҳуқуқи назариясида батафсил ишлаб чиқилган ва мустақкам ўрин эгаллаган. Умумэътироф этилган илмий ёндашувларга кўра, жиноят таркиби объектив ва субъектив белгилар йиғиндисидан иборат бўлиб, ушбу белгилар мажмуасининг мавжудлиги қилмишни жиноят деб квалификация қилишнинг зарурий ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Миллий жиноят ҳуқуқи илмида ушбу тушунчани асослашга қаратилган тадқиқотлар орасида *М.Усмоналиев* ва *М.Х.Рустамбоев*нинг ишлари алоҳида ўрин тутди. *М.Усмоналиев*нинг таъкидлашича, “жиноят қонунида кўзда тутилган муайян ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликларнинг жиноийлигини ифодаловчи томонлар (элементлар) йиғиндиси жиноят таркиби деб айтилади”[1; 664-б]. *М.Х.Рустамбоев* эса жиноят таркибини “аниқ ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб баҳолаш учун зарур бўлган объектив ва субъектив белгилар йиғиндиси” сифатида таърифлаб, ушбу элементларнинг жиноят қонунида мустақкамланганлигини алоҳида таъкидлайди[2; 441-б].

ЖКнинг 16-моддаси талабларидан келиб чиқиб, ҳар қандай қилмиш жиноят сифатида баҳоланиши учун унда жиноят таркибининг барча зарурий аломатлари — объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томони — мавжуд бўлиши шарт[3].

2. Жиноятнинг объекти. Жиноят объекти деганда жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатлар тушунилади. ЖКнинг

2-моддасида шахс ва унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари умумий объект сифатида белгиланган. ЖКнинг 226-моддасида назарда тутилган жиноят **бошқарув тартибига қарши жиноятлар** туридан бўлиб, унинг **махсус объекти** давлатнинг бошқарув фаолиятини тартибга солувчи ижтимоий муносабатлардир.

Мазкур жиноятнинг **бевосита объектини** аниқлаш масаласида илмий адабиётларда ягона ёндашув шаклланмаган. Рус ҳуқуқшунослари *Б.В.Коробейников* ва *А.И.Чучаев* уни “маъмурий назорат билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар”[4; 358-б] ёки “маъмурий назоратни амалга оширишни таъминловчи муносабатлар”[5; 396-б] сифатида тавсифлайди. *И.А.Анисимова* бевосита объект деб “ички ишлар органларининг назорат остидаги шахсларнинг жазодан кейинги ижтимоий мослашувини таъминлаш бўйича нормал фаолиятини” эътироф этади[6; 281-284-б].

М.Х.Рустамбоев “жиноятнинг объекти маъмурий назоратни амалга оширишнинг белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар” деган позицияни илгари суради[7; 201-б].

Ушбу илмий ёндашувларни умумлаштирган ҳолда, ЖКнинг 226-моддасидаги жиноятнинг бевосита объекти деб жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш ва уни амалга оширишнинг қонун билан белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатларни эътироф этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, мазкур жиноят предметсиз жиноятлар қаторига кириши — яъни жиноятнинг моддий дунёдаги ашё ёки бойликка эмас, балки маъмурий назоратнинг ҳуқуқий режимига тажовуз қилиш тарзида намоён бўлиши — уни бошқарув тартибига қарши жиноятларнинг алоҳида тури сифатида белгилайди.

3. Жиноятнинг объектив томони. ЖКнинг 226-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** маъмурий назорат остидаги шахснинг худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин маъмурий назорат қоидаларини яна бузишида ифодаланган. Мазкур қилмиш ҳам **ҳаракат** (белгиланган ҳудуддан чиқиб кетиш, тақиқланган жойларга бориш, яшаш жойини рухсатсиз тарк этиш), ҳам **ҳаракатсизлик** (рўйхатдан ўтмаслик, ички ишлар органига бормаслик, белгиланган муддатда яшаш жойига келмаслик) орқали содир этилиши мумкин.

А.В.Наумов жиноий ҳаракатсизлик табиатини аниқ ёритиб берган: “жисмоний маънода шахс жуда фаол ҳаракат қилиши мумкин, аммо агар у шу билан бирга ўзига юклатилган муайян мажбуриятни бажармаса ва жиноят-ҳуқуқий тақиқни бузса, бу ҳолат жиноят-ҳуқуқий ҳаракатсизлик ҳисобланади” [8; 161-б]. Демак, шахснинг хулқ-атвори пассивлиги физиологик эмас, балки ижтимоий-ҳуқуқий хусусиятни ифода этади.

А.О.Астахованинг таъкидлашича, маъмурий назорат талаблари — назорат остидаги шахслар учун белгиланган махсус хулқ-атвор қоидалари бўлиб, уларнинг асосий мақсади *махсус превенция*, яъни қайта жиноят содир этишнинг олдини олишдан иборат [9; 133-141-б].

Ўзбекистон Республикасининг “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги қонун (кейинги ўринларда — Маъмурий назорат тўғрисидаги қонун) нинг 7-моддасига мувофиқ назорат остидаги шахсга белгиланиши мумкин бўлган чекловлар: яшаш жойидан сутканинг муайян вақтида чиқишни тақиқлаш; муайян жойларда бўлишни тақиқлаш; белгиланган ҳудуддан рухсатсиз чиқишни тақиқлаш; ҳар ойда бир-тўрт марта рўйхатдан ўтиш; алкогольли ичимликларни истеъмол қилишни тақиқлаш [10]. Чекловлар рўйхати тугал ҳисобланади ва кенгайтириб шарҳланиши мумкин эмас.

3.1. Маъмурий преюдиция институти

ЖКнинг 226-моддаси

1-қисмида жиноий жавобгарликка тортишнинг шарти ўрнатилган: шу қилмиш учун аввал маъмурий жавобгарликка (ЎЗРМЖТК 206-модда) тортилган шахс томонидан яна содир этилиши. Бундай конструкция **маъмурий преюдиция** институти деб аталади [11; 6-9-б].

Мазкур институтга нисбатан илмий жамоатчилик ичида ягона фикр шаклланмаган. Муҳолифлар [12; 17-18-б] таъкидлашича, бундай конструкция маъмурий ҳуқуқбузарликка *икки карра юридик баҳо* берилишига олиб келади. Тарафдорлар [13; 32-36-б] эса, агар маъмурий таъсир воситалари самара бермаса, жиноий жавобгарликка тортиш профилактик нуқтаи назардан мантиқий оқибат эканлигини асослайдилар.

Бизнинг фикримизча, ЖКнинг 226-моддасида маъмурий преюдициядан фойдаланиш *асосли ва амалиёт эҳтиёжлари билан тасдиқланган*. Озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилган ва маъмурий назорат остига олинган шахс, барча огоҳлантиришлардан сўнг ҳам маъмурий назорат қоидаларини онгли равишда бузаётган бўлса, бундай шахснинг жиноятчиликни давом эттириш эҳтимоли юқори бўлади. Ҳозирги вақтда қонун чиқарувчи бу институтга ЖКнинг 229⁴, 229⁵, 232¹, 261¹, 261²-моддаларида ҳам мурожаат қилган.

3.2. “Узрли сабаблар” ва “ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш” тушунчалари. ЖКнинг 226-моддаси 2-қисмида “узрли сабаблар” ва “ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш” тушунчалари қўлланилади. “Узрли сабаблар” — шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишга асос бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар. Уларни келиб чиқиш манбасига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ — *объектив узрли сабаблар*: форс-мажор ҳолатлари (табiiй офатлар, ёнғин, зилзил)[14], давлат органларининг тақиқловчи қарорлари (карантин), ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ушлаб турилиш. **Иккинчи гуруҳ** — *субъектив узрли сабаблар*: оғир касаллик, шошилишч госпитализация, яқин қариндошнинг вафоти ёки оғир касаллиги, бошқа оғир оилавий ҳолатлар.

“Ўзбошимчалик” сўзи “бошқалар билан ҳисоблашмасдан, фақат ўз эрки ва хоҳиши билан иш тутиш” маъносини англатади[15; 136-137-б]. Шунинг учун “ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш” деганда Маъмурий назорат тўғрисидаги қонуннинг 19-моддасига мувофиқ ички ишлар органи рухсатсиз яшаш жойини тарк этиш тушунилади. Агар назорат остидаги шахснинг тегишли жойга келмаслиги унинг айбидан холи ҳолатлар туфайли бўлса, жиноий жавобгарлик истисно қилинади.

4. Жиноятнинг субъекти. ЖКнинг 226-моддасида назарда тутилган жиноят **махсус субъектга эга жиноят** ҳисобланади. С.А.Семёновнинг фикрича, махсус субъектга эга жиноятларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, “ижтимоий муносабатга зарар ҳуқуқий муносабат иштирокчиларидан бири томонидан, у айна вақтда жиноят субъекти ҳам бўлган ҳолда, ичкаридан етказилади”[16; 35-38-б].

Жиноятнинг махсус субъектини аниқлашда нафақат умумий аломатлар (ақли расолик ва жиноий жавобгарлик ёши), балки алоҳида аломатлар ҳам инобатга олинади[17; 116-117-б].

ЖКнинг 226-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **субъекти** — жисмоний, ақли расо, 18 ёшга тўлган ва озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод этилганидан кейин унга нисбатан суд томонидан маъмурий назорат ўрнатилган шахс. Бунда маъмурий назорат фақат қуйидаги тоифадаги шахсларга ўрнатилади: суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилган; оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун жазо ўтаган; икки ёки ундан ортиқ марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган; бошқа давлат ҳудудида шу тарзда жазо ўтаган шахслар.

Жиноят-ҳуқуқий квалификация учун принципиал аҳамиятга эга бўлган қоида: агар шахсда **маъмурий назорат остида бўлиш белгиси** мавжуд бўлмаса, ЖКнинг 226-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби ҳам шаклланмайди. Маъмурий назорат судланганлиги олиб ташланган ёки тугалланган шахсларга нисбатан ўрнатилиши мумкин эмас.

5. Жиноятнинг субъектив томони. ЖКнинг 226-моддасининг 1-қисмида ҳам, 2-қисмида ҳам айб шакли — **тўғри қасд**. Бунинг асосий сабаби: маъмурий назорат ўрнатилаётганда назорат

остидаги шахсга юклатилган мажбуриятлар, белгиланган чекловлар ва уларни бузганлик учун жавобгарлик батафсил тушунтирилади ҳамда огоҳлантирилади. Демак, назорат остидаги шахс ўз мажбуриятлари мавжудлигидан беҳабар бўла олмайди — содир этилган қилмишга нисбатан психик муносабат *ҳамиша аниқ ва онгли* хусусиятга эга бўлади.

Қонун чиқарувчи мазкур жиноятни **формал таркибли** жиноят сифатида белгилаган. Бундай жиноятларда “жиноий қасднинг амалга ошиши жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объектининг фаолият кўрсатиш тартибини бузувчи ҳаракатни онгли равишда содир этиш орқали намоён бўлади”

[18; 76-б]. Шу боис жиноий қилмишнинг оқибатлари юз бергани ёки бермагани квалификация учун аҳамиятга эга эмас. Мазкур жиноят **эгри қасд** билан содир этилиши мумкин эмас, чунки формал таркибли жиноятларда оқибатларга нисбатан бепарқлик тушунчаси ўрин тутмайди.

5.1. “Бўйин товлаш” мақсадини квалификациядаги аҳамияти. ЖКнинг 226-моддаси 2-қисми “а” бандида **махсус мақсад — маъмурий назоратдан бўйин товлаш** квалификация қилувчи белги сифатида белгиланган. “Бўйин товлаш” тушунчасини шарҳлаш масаласи жиноят ҳуқуқи назариясида баҳсли бўлиб қолмоқда [19; 25-32-б].

Илмий адабиётларда мавжуд ёндашувларни икки гуруҳга жамлаш мумкин. **Кенг ёндашув** тарафдорлари бўйин товлашни жиноий жавобгарликдан қочишга қаратилган ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракатлар деб талқин қиладилар [20; 605-б]. **Тор ёндашув** тарафдорлари эса уни фақат аниқ ҳуқуқий мақомга эга шахс (айбланувчи, судланувчи) дан жиноий жавобгарликдан ўзини яширишга қаратилган ҳаракатлар сифатида кўради [21; 232-б].

Барча ёндашувлар учун умумий бўлган жиҳат: бўйин товлаш — бу қасддан содир этилган ҳаракатлар. Маъмурий назорат контекстида “бўйин товлаш” деб суд томонидан назорат ўрнатилган шахснинг маъмурий назорат мажбуриятларидан қочишга қаратилган ҳуқуққа хилоф онгли ҳаракатларини тушуниш лозим.

Квалификация учун назорат остидаги шахснинг **йўқлиги давомийлиги** ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шахснинг ҳаракатлари фрагментар ёки эпизодик эмас, *нисбатан доимий* хусусиятга эга бўлиши — айнан шу ҳолат махсус мақсад мавжудлигини тасдиқлайди. Амалиётда “бўйин товлаш мақсадини” исботлаш ҳуқуқни қўлловчи органлар учун энг катта қийинчиликни тўғдиради.

Хулоса

Ушбу тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

1. ЖКнинг 226-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **бевосита объекти** — жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш ва амалга оширишнинг қонун билан белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир. Жиноят предметсиз ҳисобланади.

2. **Объектив томон** маъмурий преюдиция конструкцияси асосида шаклланади ва ҳаракат ёки ҳаракатсизлик шаклида намоён бўлади. “Узрли сабаблар” ва “ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш” тушунчаларини аниқлаш амалиётда ягона ёндашувни талаб қилади.

3. Жиноятнинг **субъекти** — маъмурий назорат остидаги вояга етган, ақли расо шахс. Агар шахсда маъмурий назорат остида бўлиш белгиси мавжуд бўлмаса, ЖКнинг 226-моддаси бўйича жиноят таркиби шаклланмайди.

4. **Субъектив томон** — тўғри қасд. Жиноят формал таркибли бўлиб, оқибатлар квалификация учун аҳамиятга эга эмас. ЖКнинг 226-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган бўйин товлаш мақсадини исботлаш — амалиётдаги асосий қийинчилик.

5. ЖКнинг 226-моддаси бўйича квалификациянинг бирхиллигини таъминлаш мақсадида “узрли сабаблар” ва “бўйин товлаш” тушунчаларини Олий суд Пленуми қарорида **расман шарҳлаш** мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм): Дарслик. — Тошкент: Янги аср авлоди, 2010.
2. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 1. 2-нашр. — Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. — <https://lex.uz/docs/111453>
4. Научно-практический комментарий к Уголовному кодексу РФ (постатейный). 2-е изд. / под ред. С.В.Дьякова, Н.Г.Кадникова. — М., 2013.
5. Комментарий к Уголовному кодексу РФ (постатейный) / под ред. А.И.Чучаева. — М., 2013.
6. Анисимова И.А. Уклонение от административного надзора (ст. 314.1 УК РФ) // Актуальные проблемы уголовного права: сб. науч. статей. — Барнаул: АГУ, 2012.
7. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. — Тошкент: Yuridik adabiyotlar publish, 2021.
8. Наумов А.В. Российское уголовное право. Общая часть: курс лекций. — М., 1996.
9. Астахова А.О. О содержании понятия «уклонение от административного надзора» // Вестник Сибирского юридического института ФСКН России. — 2016. — № 4 (25).
10. Ўзбекистон Республикасининг “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги ЎРҚ-532-сон Қонуни, 2019 йил 2 апрель. — <https://lex.uz/docs/4249618>
11. Бавсун М.В., Бавсун И.Г., Тихон И.А. Административная преюдиция и перспективы ее применения // Административное право и процесс. — 2008. — № 6.
12. Чикин Д.С. Преступление с административной преюдицией как вид сложного единичного преступления // Российский следователь. — 2012. — № 23.
13. Оноколов Ю.П. Сочетание административной преюдиции и декриминализации // Административное право и процесс. — 2013. — № 2.
14. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. — <https://lex.uz/docs/111181>
15. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдли. 5-жилд / А.Мамадалиев таҳрири остида. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2020.
16. Семенов С.А. Понятие специального субъекта преступления // Журнал российского права. — 1998. — № 7.
17. Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг махсус субъекти: Ўқув қўлланма. — Т.: ТДЮУ нашриёти, 2022.
18. Новосельцев С.П. Особенности уголовно-процессуального доказывания формального состава преступления: учебно-практическое пособие. — Красноярск, 1999.
19. Сафин Л.Р. Ответственность осужденных за злостное уклонение от наказаний: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Казань, 2004.
20. Уголовное право. Общая часть / под ред. Я.И.Козаченко. — М., 2008.
21. Уголовное право России. Часть Общая / под общ. ред. Л.Л.Кругликова. — М., 2005.